

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил июль ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида очик суд мажлисида;

раислик қилувчи М.Ғофуров

судья ёрдамчиси А.Иргашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчи Х.Саминжоновнинг ҳимоячиси адвокат О.Мелибоевни иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан Саминжонов Хожиакбар Облоёр ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1502-2302/186-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Саминжонов Хожиакбар Облоёр ўғли, 1999 йил 3 апрелда Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент Давлат Техника университети Кўкон филиали талабаси, уйланмаган, муқаддам судланмаган, Фарғона туман Марғилон МФЙ Висол кўчаси 138-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 8 май куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Х.Саминжонов дастлабки терговда аниқлашни имкони бўлмаган Қирғизистон фуқароси билан ўзаро олдиндан жинойий тил бириктириб, 2023 йил 13 март куни Қирғизистон фуқароси томонидан Қирғизистондан божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтилган жуда кўп миқдордаги жами 576 000 000 сўмлик 360 дона “Редми 11С” русумли уяли телефон аппаратларини Фарғона туман Бўстон МФЙ Бўстон кўчасида қабул қилиб олиб, бобоси С.Тешабоевни Бўстон МФЙ Бўстон кўчаси 114-уйда сақлаб келаётган вақтида ушланган ва товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинган.

Фарғона шаҳар “Континент Имкон баҳо” МЧЖнинг 2023 йил 14 март кунги 201-сонли хулосасида, олинган телефон аппаратлари умумий баҳоси 576 000 000 сўмга баҳоланган.

Судланувчи Х.Саминжонов судда эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроп бўлиб, чегара ҳудудида яшовчи бобоси С.Тешабоевни уйига тез-тез бориб



туришини, 2023 йил февраль оyi ўрталарида “Телеграмм” мессенжери орқали Қирғизистон фуқароси билан танишиб қолганлигини, чегарадан ўтган юкларни эгалари етказиб берса 1 000 000 сўм беришини айтганидан сўнг рози бўлганлигини, 2023 йил 11 март куни тахминан соат 10-00 ларда Қирғизистон фуқароси кўнғироқ қилиб, 4 та қопда уяли телефон аппаратларини Ўзбекистонга олиб ўтиб Бўстон МФЙ чегара ҳудудидаги жойга қўйганлигини айтганидан сўнг юк туширилган жойга бориб, қопларни бобосини уйига олиб келиб жойлаган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари томонидан ушланганлигини, ҳаракати моҳияти ва оқибатини англаб етганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини, келгусида такрорламаслигини, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Д.Ёкубов судда, ИИБ ходимларини илтимосига асосан ишда холис бўлиб иштирок этганлигини, 2023 йил 11 март куни ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Бўстон МФЙ Бўстон кўчаси 114-уйда яшовчи С.Тешабоевни уйида Марғилон МФЙ да яшовчи Х.Саминжоновга тегишли 360 дона “Редми 11С” русумли уяли телефон аппаратлари борлиги аниқланиб, ходимлар томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини билдирди.

Судланувчи Х.Саминжонов содир этган жинояти гувоҳ Д.Ёкубовни дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, жиноят ишидаги билдирги, ашёларни кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, мутахассис ва экспертиза хулосалари, тушунтириш хатлари ҳамда судда текширилган ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи Х.Саминжоновни жуда кўп миқдордаги товарларни божхона назоратини четлаб, айланма йўллар билан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида “товарларни божхона назоратини четлаб ўтказиш уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари ёки божхона назорати ўтказиш вақтидан ташқари олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқишдан иборат ҳар қандай қасддан содир этилган ҳаракатда ифодаланади” деб, 10-бандида “божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яширган ҳолда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жинояти товарлар билан божхона чегарасини амалда кесиб ўтган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ



даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Х.Саминжоновага нисбатан жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Фарғона шаҳар “Хамёнбоп хизматлар” савдо дўкони омборида сақланаётган умумий қиймати 576 000 000 сўмлик 360 дона “Редми 11 С” русумли уяли телефон аппаратларини давлат фойдасига мусодара қилишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Саминжонов Хожиакбар Облоёр ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Саминжонов Хожиакбар Облоёр ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш ва назорат қилиш Фарғона туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Саминжонов Хожиакбар Облоёр ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, Фарғона шаҳар “Хамёнбоп хизматлар” савдо дўкони омборида сақланаётган умумий қиймати 576 000 000 сўмлик 360 дона “Редми 11С” русумли уяли телефон аппаратлари давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

М.Ғофуров

нусхаси аслига тўғри

